XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI

QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2022 - yil 19 - oktabr VI-64-165-2-41-K/22 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари маблағларини йўналтириш тўғрисидаги таклифи иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раҳмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

мазкур қарорнинг иловаларига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман хокими фармойиши лойиҳасини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш;

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағлар бўйича шартномаларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш,

инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раҳмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман Кенгаши раиси **Ж.Ф.Шаропов**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 19 oktabrdagi
VI-64-165-2-41-K/22-son qaroriga
1-ilova

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1	"Ёшлар дафтари" жамғармасига ажратилган маблағлар	199 584,5
2	"Аёллар дафтари" жамғармасига ажратилган маблағлар	199 584,5
3	"Опен бюджет" жамғармасига ажратилган маблағлар	399 168,9
4	Туман ҳокимлиги маъмурий биносини қўриқлаш харажатлари	7 000,0
5	Туман ҳокимлиги ЁММ харажатлари	35 000,0
6	Туман ҳокимлигига идора товарлари сотиб олиш харажатлари	5 000,0
7	Туман ҳокимлигининг алоқа ва интернет хизмати харажатлари	6 000,0
8	Туман ҳокимлиги ишчи ходимларининг овқат пули ҳамда ХДТК котибияти ходимларининг 50 фоизлик устама тўловлари харажатлари	98 000,0
9	Плакат ва пано харажатларига	26 000,0
10	Туман ҳокимлиги IJRO.GOV.UZ харажатлари	4 900,0
11	Туман ҳокимлигига конверт марка харажатлари	4 000,0
12	Халқ қабулхонаси хизмат автомашинасини таъмирлаш харажатлари	5 000,0
13	ВМ 28.12.2021й. ПҚ-779 асосан МФЙ рағбатлантириш жамғармаси (3%)	39 916,9
14	Ички туризм хизмати харажатлари	9 200,0
15	Маҳалла фуқаролар йиғини интернет тўлови харажатлари	10 000,0

16	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 46-сонли Фармонига асосан дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига	26 611,3
17	Трасформатор сотиб олиш харажатлари	35 000,0
18	МФЙ аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш харажатлари.	70 000,0
	Жами	**1 179 966,0**